

БОБО ВА БУВИНИНГ НАБИРАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ ЎРНИ

Мазаидов Авазбек Гуломович

Қўқон шаҳар ЎзЛиДеп фахрийлар кенгаши раиси

Мазаидова Ибодатхон Халиловна

Фаргона вилояти ЎзЛиДеп сиёсий кенгаш аъзоси

Ўзбекистон халқи учун оила муқаддас тушунча ҳисобланади. Оиланинг мустаҳкамлиги, авлодлар ўртасидаги узвийлик ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш ҳар доим долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Ўзбек оилаларида бобо ва бувининг ўрни алоҳида эътироф этилади. Улар нафақат оиланинг нуронийлари, балки ёш авлодни тарбиялашда ҳам муҳим рол ўйнайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқларида ва чиқишларида доимо оила, ёшлар тарбияси ва миллий қадриятлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб келадилар. Президентимизнинг таъкидлашларича, "Оила – муқаддас даргоҳ. Бу ерда фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Айниқса, нуронийларимиз – бувилар ва боболаримиз бу жараёнда бекиёс ўрин тутати. Улар ўз ҳаётий тажрибалари, донишмандликлари билан ёшларга тўғри йўл кўрсатишга, уларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишга қодирдирлар." Давлат раҳбарининг бу каби фикрлари бувилар ва боболарнинг жамиятдаги ва оиладаги нуфузини янада оширишга, уларнинг тарбиявий фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қилади. Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда нуронийларнинг ўрни Президентимиз томонидан доимий равишда юқори баҳоланади."

Ўзбек оилаларида бобо ва буви азалдан ҳурматга сазовор бўлган. Улар ҳаёт тажрибаси, донолиги ва меҳр-муҳаббати билан оиланинг таянчи ҳисобланадилар. Бобо ва бувининг набиралар тарбиясидаги иштироки боланинг шахс сифатида шаклланишига, миллий қадриятларни ўзлаштиришига ва ҳаётга тайёр бўлишига катта таъсир кўрсатади.

Ўзбек халқининг анъанавий қадриятлари оила, ҳурмат, меҳнатсеварлик, катталарга иззат ва кичикларга ғамхўрлик каби тушунчаларга асосланади. Бу қадриятлар авлоддан авлодга ўтиб, жамиятнинг маънавий асосини ташкил этади.

Тарбиядаги тажрибалар ва ҳикматлар: бобо ва бувилар ўз ҳаётий тажрибалари асосида набираларига тўғри йўл кўрсатишлари, уларни хатолардан сақлашлари ва ҳаётга тайёрлашлари мумкин. Уларнинг ҳикматли сўзлари, масаллари ва ибратли ҳикоялари ёш авлоднинг онгига сингиб, уларнинг ахлоқий камолотига таъсир этади.

Ўзбек халқи азалдан ўзининг бой маънавияти, асрлар давомида шаклланган оилавий қадриятлари билан машҳур. Бизнинг маданиятимизда катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳр-оқибат, ўзаро ёрдам ва меҳмондўстлик каби фазилатлар муҳим ўрин тутати. Бу қадриятлар оилада, айниқса, бувилар ва боболар томонидан ёш авлодга сингдирилади. Улар оилада нафақат кекса авлод вакиллари, балки

оиланинг кутб каби устуни, доно маслахатчи ва тарбиячи ҳисобланади. Уларнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракати набиралар учун ўрнатиб қўлиб хизмат қилади. Улар болаларга эртақлар, ривоятлар, мақоллар ва ҳикматли сўзлар орқали ҳаётий сабоқлар беради. Бу каби тажрибалар набираларнинг дунёқарабини кенгайтириб, уларда миллий ўзлиқни англаш туйғусини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқларида ёш авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Президент таъкидлаганидек: "Бизнинг энг катта бойлигимиз – бу ёш авлодимиз. Уларни замонавий билимлар билан қуроллантириш, миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш – бизнинг асосий вазифамиздир".

Давлат ёш авлодни тарбиялашда оилага, хусусан, буви ва боболарга ҳар томонлама ёрдам беришга интилади. Ўзбекистонда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси ва бошқа ташкилотлар буви ва боболарнинг жамиятдаги ролини оширишга, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Замонавий жамиятда буви ва боболарнинг янги роли

Бугунги кунда оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, замонавий технологиялар ва интернетнинг таъсири тарбия жараёнини мураккаблаштирмоқда. Шу шароитда буви ва бобо нафақат тарбиячи, балки йўлбошчи, ҳаётий маслахатгўй, маънавият посбони сифатида аҳамият касб этмоқда.

Уларнинг ҳаётий тажрибаси, урф-одатларга содиқлиги, сабр-бардоши замонавий ахборот оқимида адашган набиралар учун барқарор йўналиш беради. Айниқса, оилада онанинг ёки отанинг йўқлиги ҳолатида буви ва бобо фарзанд тарбиясида асосий ролни бажаради.

Бобо ва буви оиладаги авлодлараро қўприк вазифасини ўтайди. Улар ота-оналар ва болалар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаб, оилавий бирликни таъминлайдилар. Улар ёрдамида набиралар ўз илдизларини англайдилар, оилавий тарихга боғланадилар ва бу уларнинг шахсиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Улар болаларга оиланинг бир қисми эканлигини, оилавий қадриятлар ва анъаналарнинг давомчиси эканлигини ҳис қилишга ёрдам беради.

Мен Мазаидов Аваз Ғуломович ва Мазаидова Ибодатхон Халиловна аёлим билан уч кизни ҳуснихулқ соҳибалари қилиб тарбиялаб 12 нафар невараларимни тарбиялаб ютуқларидан, шодлигидан қувонч олиб яшайпмиз. Бу йил аёлим билан турмуш қурганимизга 8 декабр куни 40 йил бўлади. Катта неварам Меликузиев Хатамхон, бу йил Қуқон давлат университетини битирувчиси. Иккинчи неварам Ахмедова Паризода ЕМУ университетини талабаси 50% грантда уқийди ва "Интеллектуал изланувчи" эсдалик нишони билан тақдирланган. Невараларим тўртаси Қуқонда, тўртаси Фарғонадан, тўртаси Тошкентдан хабар олиб келишади.

Хулоса қилиб айтганда, боболар ва бувилар набираларни тарбиялашда нафақат оила, балки бутун жамият учун беқиёс аҳамиятга эга бўлган устунлардир. Улар орқали авлодлараро ришталар мустаҳкамланади, миллий қадриятлар сақланиб қолади

ва ёш авлодда юксак маънавий фазилатлар шаклланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу борадаги фикрлари бу жараёни янада мустаҳкамлашга ва нурунийларнинг жамиятдаги ўрнини юксалтиришга хизмат қилади. Шу боис, ҳар бир оиланинг бурчи – бувилар ва боболарни ҳурмат қилиш, уларнинг бой ҳаётӣ тажрибасидан унумли фойдаланиш ва уларга доимий эътибор кўрсатишдан иборатдир. Зеро, уларнинг дуоси ва ҳикматлари ила ёш авлод баркамол бўлиб вояга етади, жамият эса янада мустаҳкам ва фаровон бўлади.